

Андижон қишлоқ хўжалик институти
Агрономия факультети

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ВА
ПАХТАЧИЛИК
кафедраси

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ВА ПАХТАЧИЛИК

фанидан курс лойиҳасини бажариш бўйича

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Андижон 2015

Тузувчилар: «Ўсимликшунослик ва пахтачилик» кафедраси

Катта ўқитувчи **Турсунов Х.**

Ассистент **Асатиллаев Ф.**

«Ўсимликшунослик ва пахтачилик» кафедраси
Тақризчлар: доценти **О.Мирзаев**

УзШИТИ Андижон филиали директори
М.Ергашев

Услубий кўрсатма “Усимликшунослик ва пахтачилик” кафедрасини (№3 сонли баён «__». ____ 2015 й) “Агрономия” факултети ўқув-услубий кенгаши (№__ сонли баён «__». ____ 2015 й) ҳамда институт услубий кенгаши №3 сонли баён «16». Декабр 2015 й) томонидан кўрилган ва мақулланган.

Кириш

Қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш технологияси — юқори, сифатли, таннархи паст, экологик тоза ҳосил етиштиришни таъминлайдиган, экинларнинг биологик хусусиятлари, тупроқ — иқлим шароитига мос келадиган агротехник тадбирлар мажмуасидир.

Экинларни етиштириш технологиясида асосий ва экишдан олдин тупроқни ишлаш, ўғитлаш, уруғни экишга тайёрлаш, экиш, экин парвариши, ҳосилни йиғиш технологик тадбирлари барча экинларда бажарилади. Айрим экинларни етиштиришда ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларга дуккакли экинлар уруғини инокуляция қилиш, толали экинлар поясини сувда ивитиш тадбирлари киради..

Етиштириш технологиясида экиннинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг эҳтиёжларини тўла қондириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, меҳнатга ҳақ тўлашни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида амалга ошириш талаб қилинади.

“Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш” факультети талабалари “Ўсимликшунослик ва Пахтачилик” фанидан курс лойиҳасини бажаради.

Курс лойиҳаси илмий кузатишларнинг таркибий қисмини дала экинлари бўйича ва пахта етиштиришда пахтачиликнинг маълум доирасида аниқ бир хўжалик маълумотларига суянган ҳолда ишлаш усуллари ва тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олиш керак.

Курс лойиҳаси талабини ўзи танланган мавзуда бажарилади.

Курс лойиҳасини ҳар бир мавзусида тупроқ ва ер ости сувларини, иқлим ва маҳаллий хўжалик шароитларини аниқлаш учун ўзани агротехник тадбирларини режасини тузиш кўзда тутилади.

Талаба, курс лойиҳани бажаришда танланган мавзусида режалаштирилган агротехник ишларни бажара олиши, уларни бажариш муддатларини ва ишлар ҳажмини ҳисоблай билиши лозим.

Курс лойиҳани бажаришда иш режаси тузилади.

Иш режаси мавзуга қараб ўзгариши мумкин.

Курс лойиҳасидаги маълумотлар аниқ бир фермер хўжаликлари, илмий тадқиқот институтилари ва олий ўқув юрти кафедралари ёки хўжаликлар мисолида кўрсатилиши керак. Курс лойиҳаси бажариш давомида талаба ўқув дарсликдан ташқари турли илмий адабиётлар, маълумотномалар ва монографиялардан фойдаланади. Талаба кейинроқ шу мавзу асосида битирув малакавий иши бажарса ҳам бўлади.

Курс лойиҳасида курс лойиҳаси муқоваси, кириш, ишнинг асосий қисми ва унинг мазмуни, технологик харита бўйича ҳисоби, хулоса, фойдаланадиган адабиётлар рўйхати бўлиши керак.

Курс лойиҳаси муқоваси махсус қоғоздан бўлиб, унда мавзу аниқ чиройли ёзилиши, ичида эса ёзув қоғозига (А4 210-297 мм) умумий қоидага асосан юқоридан 2см, пастдан 2см, чапдан 3см ва ўнгдан 1,5 см қолдирилиб ёзилади. Курс лойиҳаси қоидалари бўйича жадвал, график, расмлар бўлиб уларга тушинарли қилиб, эслатма ёзувлар аниқлик бериб туриш керак. Курс лойиҳаси 20-25 бетдан кам бўлмаслиги керак. Ишнинг мазмунида берилган мавзу ва технологик харита тўлиқ ифодасини акс эттириши шарт.

Талаба курс лойиҳасини ёзишда, унинг мавзусини танлашда қуйидаги жадвалдан фойдаланади. Бунда талаба синов дафтарчаси ёки талабалик гувоҳномаси қайд рақамининг сўнгги икки рақами асос қилиб олинади. Сўнгги икки рақамнинг биринчиси вертикалига, охирги рақам эса горизонталига энига кўрилади. Бунда кесишган жойда иккита сон бўлиб, биринчиси курс лойиҳаси мавзуси ва иккинчиси топшириқнинг белгисини билдиради. Масалан, талаба синов дафтарчасининг сони 983211 бўлса, унда охирги иккита рақам 11. Жадвалга мурожат қилсак курс лойиҳасининг мавзуси 2, топшириқ эса 2.2 тартиб сонидagi топшириғи билан бошланади. Курс лойиҳаси олиб борилган илмий иш натижалари ва илмий адабиётлар таҳлили бўйича ёзилади. Бунда илмий иш қайси ўқитувчи илмий ходим томонидан бажарилганлиги ва кимнинг илмий адабиётидан фойдаланилганлиги аниқ кўрсатилиши шарт.

Курс лойиҳаси бажарилгандан сўнг кафедра катта лаборантига топширилади. Катта лаборант курс ишининг мавзуси жадвалга мос келишини текшириб махсус журналга қайд қилади ва тегишли ўқитувчига беради. Агар курс лойиҳаси мавзуси жадвалга мос келмаса талаба бошқа мавзунини танлаган бўлса, у курс лойиҳаси талабага қайта ёзиш учун қайтарилади.

Ўқитувчи бу ишни кўриб чиқади ва талаба билан суҳбат ўтказади. Талабанинг жавобига курс лойиҳасининг тўғри ёзилганлигига асосланиб ҳимояга рухсат беради ёки иш нотўғри ёзилган бўлса, талабга жавоб бермаса талабага керакли кўрсатмалар бериб курс лойиҳаси қайта ёзилади.

Курс лойиҳаси ёзиб бўлингач унинг муқоваси қуйидагича ёзилади:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

“Ўсимликшунослик ва пахтачилик” кафедраси

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ВА ПАХТАЧИЛИК
фанидан ёзилган.

КУРС ЛОЙИХАСИ

Мавзу_____

Бажарди:

Қабул қилди:

Андижон-20__

МАВЗУЛАРНИ АНИҚЛАШ ЖАДВАЛИ

Шифрнинг охирги рақами	Шифрнинг охиргидан олдинги рақами									
	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
0	8 2	4 2	1 1	2 3	6 4	1 6	1 5	6 5	2 2	1 12
1	5 1	2 2	7 2	3 5	1 14	4 3	6 1	4 2	8 1	7 1
2	3 5	7 1	4 1	5 2	2 1	2 4	8 2	1 7	6 2	4 4
3	4 3	5 6	5 1	6 3	4 4	7 4	2 5	5 7	1 8	5 6
4	2 1	6 2	3 2	8 1	7 3	5 6	1 13	2 6	4 3	1 9
5	1 5	8 2	5 5	1 4	5 7	4 5	3 4	7 3	2 7	6 8
6	7 4	1 2	3 3	6 2	3 1	6 7	5 3	4 6	7 2	2 8
7	6 1	1 13	2 8	1 3	6 2	3 1	4 7	6 6	5 4	4 7
8	1 1	3 3	1 11	7 2	5 3	2 7	6 6	3 3	6 7	5 5
9	1 10	4 3	2 1	4 8	1 15	1 4	1 2	8 2	3 4	8 1

Курс лойиҳасини бажаришда қуйидаги кўрсатмалар ҳисобга олиниши шарт.

Кириш Бу бўлимда республикадаги дончилик, ўсимликшунослик ва пахтачиликнинг тутган ўрни, яъни ўсимлик маҳсулотларини етиштирилиши ва келгусида бажарилиши мумкин бўладиган кўрсатмалар, танланган ўсимликнинг қишлоқ хўжалигидаги озиқ-овқат, техник ва агротехник аҳамияти ёзилади. Бу бўлим ҳажми 3 бет атрофида бўлиши керак.

Ўсимликнинг биологик хусусияти. Бу бўлимда танланган ўсимликка оид бир қанча илмий адабиётлардан фойдаланиб, ўсимликни қайси оилага мансублиги, тури ва кенжа турлари, биологик хусусиятларига алоҳида тўхталади.

Иссиқликка бўлган талаби-бунда ўсимликни униб чиқиш учун ҳамда кейинги, ўсиши, ривожланиши учун шарт бўлган иссиқлик ва ўсимликнинг совуққа чидамлиги кўрсатилади.

Намликка бўлган талаби – уруғнинг униб чиқиши учун керак бўлган намлик, транспирацион (ўсимликнинг сув буғлантириши) коэффициентлар ҳамда ўсув давридаги суғоришлар ва қурғоқчиликка чидамлилиги кўрсатилади.

Ёруғлик ва тупроққа бўлган талабида эса ўсимликнинг ёруғликка қанчалик талабчанлиги ва ўсув даври давомидаги талаби, ҳамда қанча тупроқларда юқори ҳосил бериши мумкинлиги ёзилади.

Озуқага бўлган талабида эса ўсимликнинг ўсув даврида озуқа моддаларга талаби ҳамда тупроқдаги ўсимлик фойдаланиши мумкин бўлган озуқалар ва уларни ўсимлик ҳаётидаги аҳамияти тўла баён этилиши шарт. Ундан ташқари ўсимликни ўсиш ва ривожланиши давомидаги барча даврлар ёзилиши керак.

Ўсимликни етиштириш технологияси:

а) алмашлаб экишдаги ўрни – бу қисмда ўсимликнинг ўтмишдоши ва унинг илмий асослари тушунтирилади.

б) тупроққа ишлов бериш ва уни экишга тайёрлаш- бунда ерни асосий ишлаш, экиндан олдин ишлаш ва ўсимликнинг ўсув давридаги ишлов беришлар кўрсатилиб ўтилади. Агар ерларда шўрланиш бўлса қиш даврида шўрини ювишлар ҳам кўрсатилиб ўтилади.

в) уруғни экишга тайёрлаш ва экишда- уруғларни экишга тайёрлашдаги барча тадбирлар кўрсатилиб, уруғни хўжалик учун яроқлилиги ҳисобга олиниб экиш меъёри белгиланади. Экиш учун ишлатиладиган машиналар, экиш усуллари, экиш муддатлари аниқ ёзилади.

г) ўсимлик униб чиққандан кейинги технологик тадбирлар, яъни яганалаш, қатор орасига ишлов бериш, ҳашорат ва зараркунандаларга қарши кураш, ўғитлаш меъёри ва сони, суғоришлар келтирилади.

д) ҳосилни йиғиб олиш муддатлари, усули, сақлаш, ҳамда шу даврдаги ишлатиладиган қишлоқ хўжалик машиналари ёритилиб берилади.

Курс лойиҳаси учун тахминий режа:

1. Ўсимликшунослик бўлими бўйича:

Кириш.

1. Ўсимликнинг биологик хусусиятлари.

2. Ўсимликнинг етиштириш технологияси:

а) алмашлаб экишдаги ўрни

б) ерни экишга тайёрлаш.

в) уруғни экишга тайёрлаш ва экиш.

г) экинларни парвариш қилиш; ягана, чопиқ, суғориш, ўғитлаш ва ҳоказо.

д) ҳосилни йиғиб олиш.

3. Технологик харита бўйича ҳисоб-китоб ўтказиш.

Хулоса ва тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ПАХТАЧИЛИК БЎЛИМИ БЎЙИЧА

Ерга асосий ишлов бериш

Пахтачилик хўжаликларида ерни экишга тайёрлаш системасини тўла таърифлаб бериши керак: ғўзапояни йиғиштириш, бегона ўт илдизларидан тозалаш, далани текислаш, ҳайдаш ва экиш олдида суғориш, ер шўрини ювиш, маҳаллий ҳам минерал ўғитлар солиш, кузги шудгорлаш, тупроқни эрта кўкламда ва экиш олдида ишлаш кабилар ёзилади.

Ерни ерта кўкламда ва экиш олдида ишлаш системаси. Чигитни экишга тайёрлаш ва экиш

Пахтачилик хўжаликларида даланинг ҳолатига қараб ерни экишга тайёрлаш, чигитни экишга тайёрлаш ва чигит экиш технологиясини тўла ёритилиши керак: намни тупроқ сақлаб, қолиш учун шудгорни бороналаш, бегона қтларга қарши курушиш, ерни кесакли пайкалларда дискалаш, шўри ювилган, яхоб суви берилган далаларда тупроқни юмшатиш мақсадида унинг ҳолатига қараб чизеллаш ёки дискалаш бороналаш билан биргаликда бажарилиши: пуштага экиладиган майдонларни экишга тайёрлаш технологиясини ёритилиши керак.

Вза қатор ораларига ишлов бериш

Бу мавзуда ғўза қатор ораларига ишлов бериш муддатлари, ишлаш кенглиги ва чуқурлиги, сони, чопиқ тракторларига ишчи органларини

ўрнатиш чуқурлиги ва кенглигини, бегона ўтларга ғўза зараркунандаларига ва касалликларига қарши курашиш ёзилиш керак.

Вўзани вегетация даврида суғориш

Вўзани сувга бўлган талабини, ўсиш даврларига қараб суғориш сони, схемаси, суғориш муддатлари ва тупроқ намига, ғўзанинг ташқи кўринишига, гулнинг очилиш баландлигига, хужайра ширасининг концентрациясига қараб ўзгариши, тупроқ-иқлим шароитига қараб, ҳар галги ва мавсумий суғориш нормаларининг ўзгариши, суғориш усуллари ва техникаси, суғориш эгатлари чуқурлигининг, узунлигининг ва ҳар эгатга бериладиган сув миқдорининг ўзгаришларини, қатор ораларига ишлов бериш, кўчат қалинлиги ва ўғитлаш билан боғлиқлигини ёритиш керак.

Вўзани дефолиация ва десикация қилиш

Бу мавзудаги пахтани ўз вақтида сифатли қилиб машинада териб олиш учун йиғим-теримга тайёргарлик кўришдаги агротехника тадбирларичида баргларни тўқдириш (дефолиация) ва ўсимликни қуритиш (десикация) масалалари ёригилади.

Пахтачилик бўлимида ҳар битта мавзуга режа алоҳида берилган.

Всимликшунослик фани бўйича курс лойихасини бажариш методикаси.

1 МАВЗУ. ДОНЛИ ЭКИНЛАР

Бу мавзудаги топшириқларни бажарувчи талаба баҳорги ва кузги ғалла экинларининг етиштириш технологиясини тўла ёритиб бериши керак: берилган экиннинг алмашлаб экишдаги ўрни, далани текислаш, экиш олдидаи суғориш ва ерни ҳайдаш, ер шўрини ювиш, асосий ўғитлаш, кузги шудгорлаш, тупроқни эрта кўкламда ва экиш олдидаи ишлаш, уруғни экишга тайёрлаш, иссиқхоналарда кўчат тайёрлаш, экиш, экиш муддати, усули, чуқурлиги, меъёри, экинни парваришлаш, экинни озиклантириш, суғориш режими ва усуллари, ҳосилни йиғиштириш кабилар.

Ҳар бир ўтказиладиган агротехник тадбирларини ёритишда бажариладиган ишнинг вақти, унга қўйиладиган талаблар аниқ кўрсатилиш керак. Масалан: далага солинадиган ўғитнинг номи, тури, миқдори; бегона ўтларга қарши кураш чоралари; далани текислаш усуллари, тартиби, ҳайдаш олдидаи суғориш ва ер шўрини ювиш тартиби, муддати, сарфланадиган сув миқдори; ерни ҳайдаш муддати, чуқурлиги, ҳайдаш усуллари, ерни эрта кўкламда ва экиш олдидаи ишлаш, экиш усуллари, уруғ

экиш меъёри, суғориш сони ва меъёри, қатор ораларини ишлаш сони, муддати, ҳосилни йиғиштириш вақти тўла ёритилиши керак.

Топширик I. 1. Суғориладиган ерларда кузги буғдой етиштириш технологияси.

Суғориладиган ерларда кузги буғдой етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 80 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 55 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош банд шудгор, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик I. 2. Суғориладиган ерларда баҳорги буғдой етиштириш технологияси.

Суғориладиган ерларда баҳорги буғдой етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 60 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 50 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош экин ғўза, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик I. 3. Лалмикор ерларда кузги буғдой етиштириш технологияси.

Лалмикорликда кузги буғдой етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 80 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 40 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган лалми ер. Ўтмишдош тоза шудгор, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача қумоқ, ўтлоқи-бўз тупроқ. Ер ости суви 5 метрдан ортиқ чуқурликда жойлашган.

Топширик I. 4. Лалмикор ерларда баҳорги буғдой етиштириш технологияси.

Баҳорги буғдой етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 60 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 30 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган лалми ер. Ўтмишдош экин нўхат, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 5 метрдан ортиқ чуқурликда жойлашган.

Топширик I. 5. Баҳорги арпа етиштириш технологияси.

Суғориладиган ерларда баҳорги арпа етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 50 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 35 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош беда, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 2 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик I. 6. Кузги арпа етиштириш технологияси.

Суғориладиган ерларда кузги арпа етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 100 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 45 ц/га.

Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош экин такрорий экин соя, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 2 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ I. 7. Кузги жавдар етиштириш технологияси.

Суғориладиган ерларда кузги жавдар етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 80 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 50 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош банд шудгор, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача қумоқ, ўтлоқи бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ I. 8. Тритикале етиштириш технологияси.

Суғориладиган ерларда тритикале етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 60 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 60 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош сабзавот экинлари, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача қумоқ, оч тусли бўз тупроқ. Ер ости суви 1,0 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ I. 9. Сули етиштириш технологияси.

Суғориладиган ерларда сули етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 50 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 35 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош ғўза, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 2,0 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ I. 10. Маккажўхори етиштириш технологияси.

Маккажўхорини дон ва силос учун етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 150 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 50 ц/га, кўк масса ҳосили 800 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош беда, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ I. 11. Жўхори етиштириш технологияси.

Оқжўхори етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 100 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 25 ц/га, кўк масса ҳосили 800 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош кузги буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ I. 12. Тарик етиштириш технологияси.

Тарик етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 30 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 10 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош кузги буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ I. 13. Шоли етиштириш технологияси.

Шоли етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 100 га майдон учун технологик харита тузиш. Шоли ҳосили 80 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош шоли, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача оғир, дарёнинг қайирлари. Ер ости суви 1 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ I. 14. Шолини кўчат усулида етиштириш технологияси.

Шолини кўчат усулида етиштириш (шоли кўчатини тайёрлаш учун ер тайёрлаш, уруғ экиш меъёри, усули, уларни парваришлаш ва кўчатларни далага ўтказиш) технологиясини тўлиқ ёритиш ва 100 га майдон учун технологик харита тузиш. Шоли ҳосили 100 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош беда, ер шўрланмаган, механик таркиби ўртача оғир, дарёнинг қайирлари. Ер ости суви 1 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ I. 15. Маржумак етиштириш технологияси.

Маржумак етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 50 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 15 ц/га. Тупроғи эскидан ишланиб келинган суғориладиган ер. Ўтмишдош картошка, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

2 МАВЗУ. ДУККАКЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ

Бу мавзудаги топшириқларни бажарувчи талаба дуккакли дон экинларининг етиштириш технологиясини тўла ёритиб бериши керак: берилган экиннинг алмашлаб экишдаги ўрни, далани текислаш, экиш олдида суғориш ва ҳайдаш, ер шўрини ювиш, асосий ўғитлаш, кузги шудгорлаш, тупроқни эрта кўкламда ва экиш олдида ишлаш, уруғни экишга тайёрлаш, нитрагинлаш, экиш, экиш муддати, усули, чуқурли, меъёри, экинни парваришлаш, экинни озиклантириш, суғориш режими ва усуллари, ҳосилни йиғиштириш кабилар.

Ҳар бир ўтказиладиган агротехник тадбирларини ёритишда бажариладиган ишнинг вақти, унга қўйиладиган талаблар аниқ кўрсатилиш керак. Масалан: далага солинадиган ўғитнинг номи, тури, миқдори; бегона ўтларга қарши кураш чоралари; далани текислаш усуллари, тартиби, ҳайдаш олдида суғориш ва ер шўрини ювиш тартиби, муддати, сарфланадиган сув миқдори; ерни ҳайдаш муддати, чуқурлиги, ҳайдаш усуллари, ерни эрта кўкламда ва экиш одидан ишлаш, экиш усуллари, уруғ экиш меъёри, суғориш сони ва меъёри, қатор ораларини ишлаш сони, муддати, ҳосилни йиғиштириш вақти тўла ёритилиши керак.

Топширик 2.1. Нўхат (жайдари нўхат) етиштириш технологияси.

Нўхат етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 100 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 30 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош кузги буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик 2.2. Ловия етиштириш технологияси.

Ловия етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 60 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 20 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош сабзавот экинлари, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 1,5-2 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик 2.3. Соя етиштириш технологияси.

Соя етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 100 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 35 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош ғалла экинлари, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик 2.4. Кўк нўхат етиштириш технологияси.

Кўк нўхат етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 100 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 15 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош кузги буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик 2.5. Ясмиқ етиштириш технологияси.

Ясмиқ етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 50 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 10 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош жўхори, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик 2.6. Сояни такрорий экин сифатида етиштириш технологияси.

Сояни такрорий экин сифатида етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 40 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 20 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош кузги буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 2 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик 2.7. Бурчоқ етиштириш технологияси.

Бурчоқ етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 30 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 15 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош кузги буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 2 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик 2.8. Мош етиштириш технологияси.

Мош етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 60 га майдон учун технологик харита тузиш. Дон ҳосили 20 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош кузги буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби энгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

3 МАВЗУ. ТУГУНАКМЕВАЛИ ЭКИНЛАР

Бу мавзудаги топшириқларни бажарувчи талаба тугунакмевали экинларнинг етиштириш технологиясини тўла ёритиб бериши керак: берилган экиннинг алмашлаб экишдаги ўрни, далани текислаш, экиш олдида суғориш ва ҳайдаш, ер шўрини ювиш, асосий ўғитлаш, кузги шудгорлаш, тупроқни эрта кўкламда ва экиш олдида ишлаш, уруғни (тугунакмеваларни) экишга тайёрлаш, экиш, экиш муддати, усули, чуқурли, меъёри, экинни парваришлаш, экинни озиклантириш, суғориш режими ва усуллари, ҳосилни йиғиштириш кабилар.

Ҳар бир ўтказиладиган агротехник тадбирларини ёритишда бажариладиган ишнинг вақти, унга қўйиладиган талаблар аниқ кўрсатилиш керак. Масалан: далага солинадиган ўғитнинг номи, тури, миқдори; бегона ўтларга қарши кураш чоралари; далани текислаш усуллари, тартиби, ҳайдаш олдида суғориш ва ер шўрини ювиш тартиби, муддати, сарфланадиган сув миқдори; ерни ҳайдаш муддати, чуқурлиги, ҳайдаш усуллари, ерни эрта кўкламда ва экиш олдида ишлаш, экиш усуллари, уруғ экиш меъёри, суғориш сони ва меъёри, қатор ораларини ишлаш сони, муддати, ҳосилни йиғиштириш вақти тўла ёритилиши керак.

Топширик 3.1. Картошка етиштириш технологияси.

Картошка етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 50 га майдон учун технологик харита тузиш. Тугунакмева ҳосили 180 ц/га. Тупроғи қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби энгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик 3.2. Ер ноки (топинамбур) етиштириш технологияси.

Ер ноки етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 30 га майдон учун технологик харита тузиш. Тугунакмева ҳосили 200 ц/га. Тупроғи қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош жўхори, ер шўрланмаган, механик таркиби энгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

4 МАВЗУ. ИЛДИЗМЕВАЛИ ЭКИНЛАР

Бу мавзудаги топшириқларни бажарувчи талаба илдизмевали экинларнинг етиштириш технологиясини тўла ёритиб бериши керак:

берилган экиннинг алмашлаб экишдаги ўрни, далани текислаш, экиш олдидан суғориш ва ҳайдаш, ер шўрини ювиш, асосий ўғитлаш, кузги шудгорлаш, тупрокни эрта кўкламда ва экиш олдидан ишлаш, уруғни (оналик илдизмеваларни) экишга тайёрлаш, экиш, экиш муддати, усули, чуқурли, меъёри, экинни парваришлаш, экинни озиклантириш, суғориш режими ва усуллари, ҳосилни йиғиштириш кабилар.

Ҳар бир ўтказиладиган агротехник тадбирларини ёритишда бажариладиган ишнинг вақти, унга қўйиладиган талаблар аниқ кўрсатилиш керак. Масалан: далага солинадиган ўғитнинг номи, тури, миқдори; бегона ўтларга қарши кураш чоралари; далани текислаш усуллари, тартиби, ҳайдаш олдидан суғориш ва ер шўрини ювиш тартиби, муддати, сарфланадиган сув миқдори; ерни ҳайдаш муддати, чуқурлиги, ҳайдаш усуллари, ерни эрта кўкламда ва экиш одидан ишлаш, экиш усуллари, уруғ экиш меъёри, суғориш сони ва меъёри, қатор ораларини ишлаш сони, муддати, ҳосилни йиғиштириш вақти тўла ёритилиши керак.

Топшириқ 4.1. Қанд лавлаги етиштириш технологияси.

Қанд лавлаги етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 50 га майдон учун технологик харита тузиш. Илдизмева ҳосили 220 ц/га. Тупроғи қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, ўтлоқи ботқоқ тупроқ. Ер ости суви 2 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ 4.2. Хашаки лавлаги етиштириш технологияси.

Хашаки лавлаги етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 100 га майдон учун технологик харита тузиш. Илдизмева ҳосили 400 ц/га. Тупроғи қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 1,5 метр чуқурликда жойлашган.

Топшириқ 4.3. Хашаки сабзи етиштириш технологияси.

Хашаки сабзи етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 65 га майдон учун технологик харита тузиш. Илдизмева ҳосили 180 ц/га. Тупроғи қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби енгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

5 МАВЗУ. ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАРИ

Бу мавзудаги топшириқларни бажарувчи талаба ем-хашак экинларнинг етиштириш технологиясини тўла ёритиб бериши керак: берилган экиннинг алмашлаб экишдаги ўрни, далани текислаш, экиш олдидан суғориш ва ҳайдаш, ер шўрини ювиш, асосий ўғитлаш, кузги шудгорлаш, тупрокни эрта кўкламда ва экиш олдидан ишлаш, уруғни экишга тайёрлаш, экиш, экиш

муддати, усули, чуқурлиги, меъёри, экинни парваришлаш, экинни озиклантириш, суғориш режими ва усуллари, иккинчи ва учинчи йилги ем-хашак ўтларни парваришлаш, озиклантириш, ўтларни ўриш муддатлари ва сони кабилар.

Ҳар бир ўтказиладиган агротехник тадбирларини ёритишда бажариладиган ишнинг вақти, унга қўйиладиган талаблар аниқ кўрсатилиш керак. Масалан: далага солинадиган ўғитнинг номи, тури, миқдори; бегона ўтларга қарши кураш чоралари; далани текислаш усуллари, тартиби, ҳайдаш олдида суғориш ва ер шўрини ювиш тартиби, муддати, сарфланадиган сув миқдори; ерни ҳайдаш муддати, чуқурлиги, ҳайдаш усуллари, ерни эрта кўкламда ва экиш одидан ишлаш, экиш усуллари, уруғ экиш меъёри, суғориш сони ва меъёри, иккинчи ва учинчи йилги ем-хашак ўтларни озиклантириш, ўриш муддати, ҳосилни йиғиштириш вақти тўла ёритилиши керак.

Топширик 5.1. Бедани пичан учун етиштириш технологияси.

Бедани пичан учун етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 100 га майдон учун технологик харита тузиш. Пичан ҳосили 120 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош буғдой, ер шўрланмаган, механик таркиби энгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 2,5 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик 5.2. Бедани уруғлик учун етиштириш технологияси

Бедани уруғ олиш учун етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 50 га майдон учун технологик харита тузиш. Уруғ ҳосили 5 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош ғўза, ер шўрланмаган, механик таркиби энгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 2,5 метр чуқурликда жойлашган.

Топширик 5.3. Қизил себарга етиштириш технологияси.

Қизил себарга етиштириш технологиясини тўлиқ ёритиш ва 50 га майдон учун технологик харита тузиш. Кўк масса ҳосили 400 ц/га. Қадимдан суғориладиган ер. Ўтмишдош ғўза, ер шўрланмаган, механик таркиби энгил ўртача қумоқ, типик бўз тупроқ. Ер ости суви 3 метр чуқурликда жойлашган.

